



Идиш оғзини ёпиб қўйиш:

Жобир розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кеч кириб, қоронғи тушган пайтда болаларингизни күчага чиқарманглар, чунки жин-шайтонлар ўша пайтда тарқалишади. Кечадан бирон соат ўтгач, чиқараверинглар. (Тунда) эшикларни беркитинглар ва Аллоҳнинг исмини зикр қилинглар (яъни бисмиллаҳ денглар), чунки шайтон ёпиқ эшикни очмайди. Мешларингизнинг оғзини боғлаб қўйинглар ва Аллоҳнинг исмини зикр қилинглар, идишларингизни ёпиб қўйинглар – устига бирон нарса ташлаб қўйиб бўлса ҳам – ва Аллоҳнинг исмини зикр қилинглар, чироқларингизни ўчириб қўйинглар» (Имом Бухорий ривояти).

Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ичётганларида уч бор тин олардилар ва:



«Бу (яъни уч марта дам олиб ичиш) қондирувчи, фойдали ва заардан холидир», деганлар (Муслим ривояти).

Ўнг томондан узатиш:

Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга сув қўшилган сут келтирилди, ўнг ёнларида бир аъробий, чап ёнларида Абу Бакр розияллоҳу анҳу бор эдилар. У зот ўзлари ичдилар, сўнг аъробийга узатдилар ва: «Ўнг тарафдан бошлаб», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Саҳл ибн Саъд ас-Соидий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир ичимлик олиб келинди, ундан ичдилар, ўнг томонларида ёш бола, чап томонларида катталар бор эди. Болага: «Буларга (аввал) беришимга изн берасанми?» дедилар. Бола: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, сиз



тарафингиздан бўлган улушимни ҳеч кимга илинмайман», деди.
Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни боланинг қўлига тутқаздилар (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Ислом дини гўзал ахлоқлар, чиройли ҳамда фойдали одоблар динидир. Исломдаги ичиш одобларида уч марта тин олиб ичиш каби тиббий жиҳатдан фойдалар ва ўнг тарафдан узатиш, ўнг томондаги ёш бола бўлса, ундан изн сўраш каби ижтимоий фойдалар мавжуд.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Идиш оғзини бисмиллаҳ деб ёпиб қўйиш лозим, бу нарса уни шайтондан муҳофаза қиласди;
2. Ичимликни ўнг томондаги кишига узатиш суннат, чапдаги одам каттароқ ва ҳурматлироқ киши бўлса, ўнг томондагидан изн сўралади.